



Ислом Нури

Абуллоҳ ибн Умарга: “Фалончи ансорий вафот қилди”, деб айтилди. У: “Аллоҳ уни раҳмат қилсин”, деди. “Бечора юз минг ташлаб кетди”, дедилар. У: “Лекин пуллар уни ташлаб кетмади” (яъни пулларнинг ажр-савоби Охиратда у билан бирга бўлади), деди.

У қаттиқ пул касодига учраб, аҳволи оғирлашди. Қўлидаги моллари камайиб, дўстлари тарқаб кетишди. У ўн йил олдин ишдан ўз истаги билан бўшагани ва эркин тижорат ишларига ўтиб кетганини эслайди. Ишдан бўшагандан кейин аҳволи яхшиланди, моллари кўпайди, катта ҳовлига кўчиб ўтди, иккинчи хотинга уйланди. Сафарларининг саноғи йўқ, лаззатларга ва ҳаром ишларга ҳаддан ташқари шўнғиб кетди. Азонни эшитади, масжид унинг ишхонасидан бор йўғи бир неча метр узоқликда-ю, лекин у намозга чиқмайди, балки анчагина вақтдан бери, Аллоҳга бирор марта сажда қилмади. У жудаям “банд, вақти йўқ” эди.

Уйда у бамисоли ҳайвон — ейди, ичади ва ухлайди. Ҳаттоки, фарзандларининг тарбияси ҳам уни қизиқтирмайди. Бирон кун улардан сўраган эмас: улар намозни биладиларми ёки йўқми? Дунё топишда ҳалол билан ҳаром унинг олдида баб-баробар. Мол топиш йўли уни қизиқтирмайди. Энг муҳими натижа - фойда. Бу унинг тижорат қоидаси эди.

Лекин ўтган икки йил мобайнида унинг тижорат ишлари ёмонлашди. Қилган ишлари ва топган фойдаларини сақлаб қолиш учун бўлмайдиган нарсага ҳаракат қила бошлади. Шунинг учун унинг ишлари тартибсизлик тусини ола бошлади. Бамисоли у нажот топиб қолишни хоҳлаётган чўкаётган одамга ўхшарди. Маккор кишилар унга бу режани, у режани мақтаб, чиройли қилиб кўрсата бошладилар. Бу режа пучга чиқиб, ўнгидан келмади. Униси эса унга тўланган



Ислом Нури

маблағнинг ярмига тенг. Икки йил орасида қарз берган кишилар кўпайиб кетди, муаммолари ундан ҳам кўпайди. Ишдан бўшашдан илгари қандай бўлганини эслади. Ҳозир харажатлари кўп даромади оз. Банклардан қарз ола бошлади. Бир йил ичида унинг устида қарзлар уюлиб кетди ва уларни қайтаришга имкони етмай қолди. У ҳаётда янги босқичга ўтди. Маҳкамалар ва тез чора кўриш муассаларига мурожаатлар, чақирувлар. Унинг иши фақат қарз берган кишиларнинг ҳақларини бошқа вақтга кечиктиришга уриниш бўлиб қолди. Ойлар ўтди, қарзларни бериш вақти келди. Ғам-ташвиш, ҳафагарчиликлар бошланди. Қарз берган кишилар гоҳида таҳдид қилишар ва қўрқитишар, гоҳида эса шикоятлар қилишарди... Қўл остидаги барча мулкни сотди. Ҳовлиси, машиналари, ерлари, тижорат молларини, буларнинг ҳаммасини сотди. Шу билан у қарзларининг катта қисмини тўлади. Қолган қарзларининг эгалари унга раҳм қилиб, муҳлат беришди. Хотини ва ўнта боласи билан бир кичкина уйга кўчиб ўтди. Энди ҳайдовчи ва хизматчилар унинг олдида йўқ. Тунларни ғам ва аламларда ўтказарди. Шу мусубатлар асносида унинг кўнглига дўсти Муҳаммадни зиёрат қилиш келиб қолди. У бунга пул билан ёрдам қилиши мумкин. Чунки у гўдаклигидаги дўсти ва хизматдаги оғайнисидир.

Муҳаммад, бундан икки йил олдин уни зиёрат қилиб келганда, бу ялтироқ манзаралардан, музика овозлари ва шовқин-суронлардан кўнгли сиқилиб кетганига қарамасдан, унинг олдида борсинми ёки йўқми, билмасди. Лекин у боришга муҳтож. У режа тузди ва боришга муносиб вақтни ихтиёр қилди. Эртасига кундузи, аср вақтининг ўрталарида кийимини кийди. Эшик қўнғироғи чалиняпти.

– Ким?... Мени йўқ деб айтинглар.



У уйнинг эгаси, ижара ҳаққини сўраб келибди.

- Отангиз қани?

- Уйда йўқлар.

Уйнинг эгаси эшикдан узоқлашиб кетсин учун ярим соат кечикишга мажбур бўлди. Шошилиб чиқиб, машинасига ўтирди ва Муҳаммаднинг уйига йўл олди.

Ўша эски уй, уни ўзгартирмабди. Шом намозининг азонидан кейин, Муҳаммаднинг уйига етиб борди.

Эшикни қоқади...

- Ким?

- Мен Солих, Муҳаммад қаерда?

- Масжидга кетган, намоздан кейин келади.

У сайёрасига ўтирди ва бошини ҳам қилди. Одамлар унинг олдидан масжидга ўтиб кетаётганларида, у сайёрада кутиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Кейин Муҳаммад чиқиб, унинг жамоат билан намоз ўқимаганини кўрса, нима бўлади, сўнг қаёққа боради?

Таҳоратим йўқ. Ҳуув ана масжид. Таҳорат қилиб, сўнг масжидга кирдим ва намознинг иккинчи ракатига улгирдим.

Намоздан кейин шайхлардан бири туриб, микрофонни қўлига олди. Аллоҳга сано ва расулуга саловат айтгандан кейин: “Вақтингиздан



Ислом Нури

менга фақат беш дақиқа ажратишингизни сўрайман”, - дея мурожаат қилди ва ТОАТ ҳақида гапира бошлади. “Тоат бахтли ҳаётнинг сабабчисидир. Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини эшитмаганмисизлар?! **“Ким Менинг зикримдан юз ўғирса, унинг учун оғир ҳаёт бордир...”**. Ҳаётда инсоннинг тўғри бўлишига ҳам тўхталиб ўтди. Аллоҳга юзланишнинг баъзи фойдаларини санади. Ризқ ҳақида гапирди. Шунда мен уни кўриш учун бошимни кўтардим, чунки бу мени қизиқтирадиган нарса. Кейин Аллоҳ таолонинг ушбу сўзини тафсир қилди: **“Ким Аллоҳдан кўрқса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқар йўлни (пайдо) қилиб беради ва уни ўйламаган томонидан ризқлантиради”**. Ризқ сенга сен қоқмаган ва сен кутмаган эшиклардан келади”, - деб эслатди.

У ўз ваъдасига вафо қилиб, беш дақиқада сўзини тугатди. Мен ичимда: “Қани энди у ваъдасига вафо қилмасдан узоқроқ гапирсайди”, - дер эдим, чунки унинг сўзлари қалбимга кириб борган эди. Мен қаердаю, бу оят ва ҳадислар қаерда! Мен бу қийнчиликлардан илгари Аллоҳни танимай, адашиб юрган эдим. Аллоҳга шукр, мен уни танидим. Унинг сўзлари менга таъсир қилди, чунки, қалбимда кўп ғамлар бор ва мен моддий томондан шикастадилман... Унинг сўзлари менга таъсир қилди, чунки у, булар гуноҳлар сабабли эканини айтди. Мен ғафлатда эканимни эсладим. Кўзимдан ёш оқди... Чуқур хўрсиндим...

Масжиддан чиқдим. Муҳаммад билан кўришдим, сўнгра унинг уйига кирдик. “Мо Шо Аллоҳ!”. У бир умрлик ҳақиқий дўст экан. Атрофимдаги дўстларимнинг барчаси қочиб кетган бир вақтда, у мени олқишлаб кутиб олди-я!:

- Болаларинг яхшими, соғлигинг қандай, нима янгиликлар?



Ислом Нури

- Эй Муҳаммад, шошилма, сенга ҳаммасини айтиб бераман.

Суҳбатимиз узоққа чўзилди, мен унга ҳаммасини батафсил гапириб бердим. Сўзимни тугатганимдан кейин, менга ҳаётимда биринчи марта эшитаётган жавобни берди:

- Бу Аллоҳнинг сенга бўлган марҳамати. Ҳалолдан кўра кўпроқ ҳаромни единг, диний бурчларингни ташлаб қўйдинг ва Аллоҳдан узоқлашдинг. Эҳтимол бунда модданинг ҳеч қандай маъноси йўқлигини билиб олишинг учун, сенинг қалбингни уйғотиш бордир, балки Аллоҳ сени ҳадисга мувофиқ ҳисоб-китоб қилади: **“Киши тўрт нарсадан - умрини нима билан ўтказгани, ёшлигини нимада кеткизгани, молини қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва нимага амал қилгани ҳақида сўралади”**. Лекин ҳар ҳолда, Аллоҳга шукр... Қанча қарзинг қолди? Қолган барча қарзларингда сени ўз кафиллигимга оламан. Мана бу қўшни уй меники. Беш йил олдин сотиб олганман. Ижарага ўтирувчи чиқиб кетганига икки ой бўлди. То Аллоҳ ишларингни осон қилгунича, меникида яшайсан, деб менга қасам ичиб туриб олди. Хайрлаша туриб, уни қучоқладим. Бир сўз билан айтганда, у хулқ-атворли, диёнатли, яхши одам.

Бир ҳафтадан кейин Муҳаммаднинг ёнида қўшни бўлиб яшай бошладик. Ҳар душанба куни унинг баъзи биродарлари билан йиғилишлари бўлиб, унда диний китоблардан ўқийдилар. Ўгилларим масжидда унинг болалари билан Қуръон ёдлай бошладилар.

Ҳаёт мазасини тотий бошладим. Ишларим кундан-кунга яхшиланди. Бундан ҳам муҳимроғи диним ва уйим яхшилана бошлади. Бомдод намозидан кейин то қуёш чиққунича, масжидда ўтираман.



Ислом Нури

Истиқбол: Яхши дўст | 6

Қалбимда иймон қуёши ўз нурларини соча бошлади!